

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 173 (10.226)

2004 ЙИЛ 8 СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий- техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида» 2003 йил 28 октябрдаги 470-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, «Давархитектурилиш» қўмитаси, Фанлар академияси иштирокида тузилган махсус комиссия томонидан Фанлар академиясининг асосий фондлари хатловдан ўтказилганлиги ҳамда сотиладиган ва ҳисобдан чиқариладиган мол-мулкнинг рўйхати белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг қўмитаси билан биргаликда 2005 йилдан бошлаб Фанлар академиясининг объектлари қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини уларнинг устуворлигидан келиб чиқиб ҳамда ҳар йили ажратиладиган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритиш тўғрисида Фанлар академиясининг таклифларини белгиланган тартибда қўриб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йилда ва кейинги йилларда тасдиқланадиган бюджет параметрлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига:

экспериментал ер участкаларига ишлов бериш учун зарур трактор техникаси, Фанлар академиясининг тадқиқот муассасалари томонидан сейсмологик, биологик, археологик, геологик-геофизик илмий экспедициялар ўтқа-

чилишга мақсадли йўналтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тушадиган маблағлар Фанлар академиясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун йўналтирилган ҳолда мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин. Маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда бошқа мақсадларда фойдаланилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджет даромадига олиб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2005 йилдан бошлаб Фанлар академиясининг объектлари қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини уларнинг устуворлигидан келиб чиқиб ҳамда ҳар йили ажратиладиган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритиш тўғрисида Фанлар академиясининг таклифларини белгиланган тартибда қўриб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йилда ва кейинги йилларда тасдиқланадиган бюджет параметрлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига:

экспериментал ер участкаларига ишлов бериш учун зарур трактор техникаси, Фанлар академиясининг тадқиқот муассасалари томонидан сейсмологик, биологик, археологик, геологик-геофизик илмий экспедициялар ўтқа-

зиш учун махсус ва юк автотранспорти харид қилиш;

Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари бинолари, иншоотлари, муҳандислик-коммуникация тармоқларини муаммалар таъмирлаш;

замонавий лаборатория асбоб-ускуналари, приборлар ва фан эҳтиёжлари учун ядро ёқилғиси харид қилиш учун маблағ ажратишни назарда тутиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази Фанлар академияси ва Молия вазирлиги билан биргаликда Фанлар академиясининг миллий бойлик ҳисобланган модир илмий қурилмалари, махсус объектлари ва иншоотлари, музейлари ва кутубхоналари таъминотига ҳар йили зарур маблағлар ажратишни назарда тутиш.

6. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларини замонавий илмий-техника асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун грантлар, хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва молиявий ташкилотларнинг бегараз ёрдамини жалб қилишда Фанлар академиясига қўмақлашсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 7 сентябрь.



«Абу-Аббос» масъулияти чекланган жамияти ишчилари буюртмачиларнинг хоҳиш-истагини инобатга олган ҳолда чиройли, замонавий кийим-кечаклар ишлаб чиқармоқдалар.

СУРАТДА: корхонанинг малакали тикувчиси Зумрад Кенжабекова танлаган касбдан мамнун.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ

7 сентябрь куни Самарқандда «Универсиада-2004» спорт ўйинлари ниҳоясига етди

Тўрт кундирки, Самарқандда спорт ва ёшлик байрами Универсиада ўйинлари ёшларга хос шижоат, жўшқинлик гўё қўнға шаҳарини яшартириб юборгандай. Муҳташам бинолар, рангин байроқлар, кўзни қувнатувчи гулзорлар шаҳар хуснига хусн қўшган.

Бутун мамлакат ёшларини Самарқандда учраштирган, дўстлаштирган, беллашувларга чорлаган «Универсиада-2004» мусобақалари якунига етди.

Юртбошимиз ташаббуси билан вужудга келган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» ўйинлари ёшларимиз ҳаёт тарзининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Ёшлик ва гўзаллик, спорт ва санъат қўриғига айланган бу беллашувлар Ўзбекистон фарзандларини келажак сари ташлаган дадил қадамидир. Зеро, спорт инсонни нафақат жиҳмоний, балки маънавий камолотида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бу улкан спорт байрами муносабати билан вилоятда мустаҳкам спорт базаси яратилди.

Давоми 6-бетда.

XXI саҳоси

Барча маълумотлар олиқанган бўлган ҳабарлар

Мамлакатимизда
● Кеча Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошидаги «Парламент журналистикаси клуби»нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳузуридаги Ёшлар Бизнес мактабидан келган ёшлар иштирокида семинар-тренинг ташкил этилди.

● «Экосан меҳр-муруват йўлида» дастури доирасида «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат ҳиссадорлик жамияти Чехиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда Оролбўйи аҳолиси учун инсонпарварлик ёрдами ажратди.

● Жиззаҳда шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари раислари, фуқаролар йиғинларининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг уч кунлик семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

● «Ўзбекистоннинг металл» акционерлик бирлашмасида бронза, латун, мис каби қimmatбахо металлларни эритишнинг янги замонавий технологияси жорий қилинди.

● Наманган туманининг маъмурий маркази — Тошбулоқда Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида «Дехқон ёзлари» курилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий услубда қад ростлаган бозор қурилиши учун 46 миллион сўм маблағ сарфланди.

● Шўрчи туманининг Қўклам маҳалласида 12 та маҳаллага хизмат кўрсатишга мўлжалланган спорт маркази очилди.

Жаҳонда

● Япония ҳукумати ҳарбий ислотларни давом эттирмоқда. Мамлакат Мудофаа маҳкамасининг янги дастурига кўра, армия иштирокидаги ҳарбий техника микдори кискартрилди керак.

● Европа Иттифоқининг кенгайиш масалалари бўйича комиссияси Юнтер Ферхойген Туркияга ташриф буюриб, Анкара расмийлари билан мамлакатнинг ЕИГА кириши юзасидан музокаралар олиб борди.

● Германиялик сайловчилар Герхард Шрёдер бошқарувидаги партияга анчайин ишонсизлик билдиришди. Заарланд ерида бўлиб ўтган сайловда социал-демократлар 30,5 фоиз овоз олиб, учинчи ўринга тушиб қолишди.

● Хитойда юз берган сув тошқини натижасида 79 нафар киши ҳаётдан кўз юмди, 74 киши эса бедарак йўқолди.

● Исроил бош вазири Ариэл Шарон «Йўл харитаси» режаси минтақада тинчликни сақлаш борасида бундан буён ўзини оқламаслигини билдирди.

ПОЙТАХТНИНГ Дир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **КЕЧА** Ўзбекистон Давлати тарихи музейида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан икки палатали парламент сайловларида тайёргарлик қўриш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Тошкент Дав-

лат Санъат институти ва Тошкент Давлат маданият институти талабалари иштирок этишди.

● **БУГУН** ҳомийлар ёрдамида қад ростлаган янги бинода Чилонзор тумани худудий тиббиёт бирлашмаси ўз фаолиятини бошлади.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги 24-Меҳрибонлик уйида Тошкент шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси томонидан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини шахримиздаги Тошкент ҳайвонот боғи, маданият ва истироҳат боғлари, кинотеатр ва театрларга кўпроқ жалб этиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Маълум

**ҮН ИККИ
ЖИЛДЛИК
НАШР**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти олимлари тадқиқотлари натижаси ўлароқ монография, тўплам ва дарслик адабиётлари босмага тайёрланмоқда. Илмий муассасанинг XX аср адабиёти бўлими жамоасининг ҳам бу борадаги изланишлари яхши самара бермоқда. Бўлим ҳозир «Ўзбек адабиёти тарихи» деб номланган йирик фундаментад тадқиқотни амалга ошириш билан жиддий шуғулланмоқда. XX асрга доир адабий изланишларни ўз ичига оладиган мазкур монография ўн икки жилдан иборат китоб ҳолида чоп этилади.

Айни вақтда XX аср ўзбек адабиёти тарихи бўйича ўқув адабиётларини яратишга ҳам киришилди. Бунда ҳам бўлим етакчи олимларининг иштироки ва хизматлари катта бўлмоқда.

**ЎКУВ
КУРСЛАРИ
ОЧИЛДИ**

Янги ўқув йилига Тошкент Давлат маданият институтида ҳам катта таратқуд кўрилди. Бу ерда қатор янги ихтисосликлар бўйича ўқув курслари ҳам очилди.

«Ижтимоий иш» таълимнинг йўлга қўйилиши нур сўзига аъло нур бўлди. Маданият муассасаларида мутахассис кадрлар бўлиб ишлайдиган ана шу ёшларни ўқитиш ва улар малакасини оширишга қаратилган таълимий тадбирлар кўрилмоқда.

Бундан ташқари библиография, кутубхона ва ахборот тизимлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлашга ҳам киришилди.

**СПОРТ
МАЖМУАСИДА
ЛАБОРАТОРИЯ**

Пойтахтимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш билан шуғулланидиган илмий лаборатория ташкил топди. «Умид» спорт мажмуаси ҳузурида ўз фаолиятини бошлаган бу лаборатория кенг қўламли илмий кузатишлари олиб боради. Спортга мойиллиги бўлган болаларнинг жисмоний ва руҳий таянч хоналарини ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар режиси ҳам ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ҳам илмий лабораториянинг юзага келишига яқиндан бош қўшди. Айни вақтда бу олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари айрим йўналишдаги изланишларга раҳбарлик қилдилар.

Анвар ВАЛИЕВ

Мамлакатимиз парламенти-нинг икки палатали тизимга ўтиши демократик ривожланишда янги даврни очиб беради. Бугунги кунда дунёнинг 75 мамлакатиде парламент айнаш тизимда иш юритади. Эндликда уларнинг сафига Ўзбекистон ҳам қўшилди.

Ўзбекистонда икки палатали парламенти шакллантириш энг аввало мамлакатда кечаётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида муҳим босқич ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ва жамият қурилиши академияси халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро илмий-амалий анжуманда Марказий сайлов комиссияси раиси йиғилганларга сайлов қонучилигига киритилган ўзгаришлар, марказий сайлов комиссиясининг асосий вазифа ва вазоклатлари, депутатликка қимлар ўз номзодини кўрсатиши мумкин, округ участкаларини сайловга тайёрлашда нималарга эътибор қаратиш лозим каби масалалар бўйича маълумотлар берди.

— Икки палатали парламентга бўладиган сайловларини ҳам сиёсий, ҳам ташкилий

жиҳатдан юқори савияда ўтказиш учун энг аввало сайлов қонучилигини тартибга келтирилиб, сенат тўғрисидаги, қонуничлик палатаси каби бир нечта янги қонунлар қабул қилинди. — деди Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев. — Маз-

самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан халқаро экспертлар сайловолди жараёнини ўтказишда сиёсий ташвиқот масалаларига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозимлигини таъкидлашди. Эътироф этилишича, бугунги кунда ривожланган мамлакат-



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Олий Мажлисга сайловлар: Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим босқичи» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

**ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ –
ДЕМОКРАТИЯНИНГ
МУҲИМ БОСҚИЧИ**

кур ҳуқуқий ҳужжатлар дунё мамлакатларининг сайлов тажрибаларини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилиб, улар халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла мос келиши экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш масалаларида БМТ ташкилоти Ўзбекистон билан

ларда сайловолди жараёни ва сиёсий ташвиқот масалалари билан шуғулланувчи махсус агентликлар мавжуд. Умуман, сайловларни ўтказишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни таъминлашга кенг эътибор бериш лозим. Сиёсий партиялар ўртасида рақобат бўлиши керак. Лекин у соғлом рақобат-

га асос бўлиши даркор. Бу галги сайловларда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига ҳам алоҳида вазоклатлар берилган. Депутатликка номзодлар сиёсий партиялар ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти ва қиллик органларига эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатилади.

Анжуманда маҳалланинг сайлов жараёнидаги иштироки билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида урғу берилди. Анжуман иштирокчилари ўз маърузаларида сайлов жараёнида сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари, сайловолди даврида партия ишини сиёсий ва мафкуравий жиҳатлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди. Шунингдек, ҳар қандай мамлакатда ўтказиладиган демократик сайловларга тўсиқ бўладиган муаммолар яъни терроризм, экстремизм каби иллатларга қарши курашишни давом эттириш бу борада қучларни бирлаштириш зарурлигини эътироф этидилар.

Алоуддин ҒАҒФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

Дунё яралиб, ер юзида инсон пайдо бўлибдики, мақсади — тинчлик. Тинчлик туфайли маъсума гўдак уйқусида ҳаловат бор. Тинчлик борки, ота-она нигоҳида хотиржамлик мужассам. Шунинг учун ҳам боболаримиз дуога қўл очганларида биринчи бор «Юртимиз, хонадонларимизда тинчлик ва хотиржамлик барқарор бўлсин», дея ният қиладилар, тилак билдирадидилар. Афсуски, улеғ неъмат бўлмиш тинчлигимизга бугун терроризм деган бало тез-тез раҳна солиб турганлигига барчамиз шохидимиз.

Тошкентда бўлган портлашлар, Америкадаги осмонпар биноларнинг кулаши, Москванинг Рига метро бекатидаги фоҳиа, ундан кейин Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳридаги мактаблардан бирида содир этилган қонли жиноятлар кими ҳам танг қолдириб, ҳаловатини бузмади дейсиз. Бугун тинчликсевар бутун жаҳон ахли бу муҳдиш воқеаларни қораламоқда, терроризмнинг беғуноҳ қурбонига айланган ёш, беозор болалар учун азият чекмоқда. Кўп сонли газетхонлардан тахририятимизга келадиган мактублар мавзусида ҳам кўпроқ ана шу фожиалар тилга олинади.

Огоҳлик

**ҲЕЧ БИР ОТА-ОНА БОЛАМ
ДЕБ БЎЗЛАМАСИН**

Абдуғани ҚОДИРОВ,
кекса ўқитувчи:

— Бутун умримни ёшлар тарбиясига бағишлаган инсонман. Ярим аср давомида ўқитувчилик қилдим. Болалар руҳияти, уларнинг ички туйғуларини, ҳис-ҳаяжонларини бошқалардан кўра кўпроқ менга таниш, десам муболага бўлмас.

Болалар — менинг кадрдонларим. Узимни улардан холи ҳис эта олмаيمان. Шундан бўлса керак, ҳозирда кексалик гаштини сураётган бўлсам-да, мен учун ўз уйимдек азиз бўлиб қолган мактабимга тез-тез бориб тураман, кичкинтой дўстларим билан мириқиб суҳбатлашаман.

Болалардек ҳалол, шалолардек беғубор, қалби осмон каби мусаффо инсонларга қўл кўтариб, уларнинг келажак орзу-умидларини қил-парчин қилиш, жовдираб турган кўзларига тик қараб ўқ отишга қайси номарднинг ҳадди сизди экан? Кеча-кундуз шу ҳақда уйлайман. Уша ёвуз кучларга лаънатлар ўқийман. «Ойнаи жаҳон» орқали уларнинг ота-оналари чекаётган нолаи фйонларини кўриб, кўзимга беихтиёр ёш келади. Ахир бу мурғак қалбларнинг гуноҳи не ади?

Шунчалик жирканч қилмишларни амалга оширган ўша ёвузларнинг ер юзида яшашига ҳақлари борми? Жавоб битта — йўқ. Шунинг учун ҳам улар Худонинг қаҳрига учраб, тўнғиз сингари ер тишладидилар. Ишонимизки, бу разилларнинг суюнган тоғларига ҳам боққан бало бор. Улар ҳам халқ газабидан қочиб қутулмайдилар. Вақти келиб қилмишларига яраша жазо оладилар.

Машқура ИКРОМОВА,
кўп болали оина:

— Мен онаман. Бир болани тарбиялаб, тетапоя қилиш учун онаизор қанчалар жабру ҳафс чекиб, неча-неча туналарни беором ўтказишнинг яхши биламан. Хар бир она бутун меҳрини бериб катта қилган фарзандига завол-захмат етмаслиги учун хар нарсасга тайёр. Чунки фарзанд — онанинг жони-жаҳони, келажак орзу-армони.

Барча қатори биз оналар ҳам терроризмнинг бало-қазолигини яхши биламиз. Бугун унинг жирканч башарасини, террорчилар ҳеч қандай шафқат билмаслигини яна бир қарра юракдан ҳис этдик. Оналар ўз наздида болаларини фаришталарга қиёслашади. Ана шу фаришталарни беаёв суратда ўққа тутган ёвузларнинг қўллари нега илгаричи синмади экан. Бугун Шимолий Осетия фожияларидан барчамиз изтиробдамиз. Аламзада, жабрдийда оналарнинг юзларидаги маъюсликни кўриб, юрагинг увишади. Уларнинг аччиқ кўз ёшларига шарик бўласан.

Биз оналарнинг ниятимиз соф ва беғубор. Илоҳ дунёда тинчлик ҳуқи сурсин, ҳеч бир ота-она бевақт ширинтой фарзандидан жудо бўлмасин, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин. Уял-қизларимизни турли бало-қазолардан асрасин. Улар завол кўрмай ўссинлар. Террорчиларнинг уйлари куйсин, деймиз.

Иқтисоқий

**СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР
ХАРИДОРНИ ТОПМОҚДА**

1995 йилда акционерлик жамиятига айлантирилган «Фотон» корхонаси ишлаб чиқариш жараёнини тубдан ўзгартирди. Илгари радиолампа, ёритувчи лампалар, ярим ўтказгичлар, интеграл асбоблар ишлаб чиқарган корхона маҳсулотларининг 90 фоизи экспорт қилинган.

Ҳозирда корхонада ярим ўтказгич асбоблар, халқ ҳўжалиги учун оқ-қора ва рангли телевизорлар, назорат-касса аппаратлари, куёш энергиясини электр энергиясига айлантирувчи асбоблар маҳаллий ва чет эл хом ашёси асосида ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда акционерлик жамиятида 850 киши иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг кўпчилиги корхонанинг энергетика, механика, тайёрлов, транспорт, қурилиш ҳамда йиғув цехларида фаолият кўрсатишмоқда.

— Бугунги бозор иқтисодиёти даврида хар бир сўмни фойдали ишга сарф қилган кишигина ўз мақсадида эришиши мумкин, — дейди корхонанинг раҳбар ўринбосари Хусниддин Тожиев. — Шунга кўра корхонамиз маркетинг бўлими ходимлари текширувлар ўтказишиб, аҳоли эътиёжи учун қанча фоиз миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш зарурлигини аниқлаб беришадди. Уларга асосланиб, талабга қараб маҳсулот тайёрлашимиз ва сотувга чиқарамиз.

Маълумки, корхона акционерлик жамияти ҳисоблангани боис унинг 24 фоиз акцияси жисмоний шахсларга тегишлидир. Уларнинг кўпчилигини шу корхона ишчи-ҳодимлари ташкил қилади. Шунингдек, корхонанинг 25 фоиз акцияси давлат ихтиёрида бўлиб, тушган маблагнинг шунча қисми давлат ҳисобига ёзилади. Ҳамкорликда гап кўп бўлгани сабабли чет эл сармоядорларининг инвестицияларини киритиш

мақсадида корхонанинг 51 фоиз акцияси тендерга қўйилган. Айни пайтда акцияларни сотиш жараёни давом этмоқда.

Шунингдек, корхона маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш борасида, маҳсулот учун хом ашёни республикамиз вилоят ва туман комбинатларидан шартнома асосида сотиб олмақда. Айни пайтда корхона Олмалик тоғкон металлургия комбинатидан металл ашёсини, Чирчиқ кимё комбинатидан ўтга чидамли қотишмалар, Ангрен картон комбинатидан маҳсулотни қадқоқлашга зарур картон хом ашёларидан фойдаланмоқда.

Корхонанинг «Нодира» илмий-ишлаб чиқариш фирмасида бўлганимизда рангли ва оқ-қора телевизорларнинг тайёрланишини кўздан кечирдик. 1993 йилда «Фотон» таркибида ташкил этилган ушбу корхонада 25 нафарга яқин ишчи-мутахассислар иш олиб боришмоқда.

Корхонада шунингдек, майда бутловчи қисмлар ҳам ишлаб чиқарилади. Маҳсулот учун корпул ва кинескоплар Жанубий Кореядан келтирилади. Эндликда шу ёрнинг ўзида телевизор учун корпуслар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

«Фотон» акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотлар корхонанинг «Нур» дўконига сотувга чиқарилади. Анча арзон ва сифатли корхона маҳсулотлари эндликда ўз харидорига эга.

Орагул РАСТАМОВА

Мағнавий

«ТЕХНИКА
ЮЛДУЗЛАРИ»ГА
СЕРТИФИКАТ

Улуғ олим Беруний номи билан аталаётган кичик академия кўлаб изланувчан талаба-ёшларни ўз атрофига тўплаган. Тошкент Давлат техника университети ҳузурда фаолият кўрсатаётган бу кичик академия тузилганига 5 йил бўлди.

Бугунги кунда ўзининг илмий журналига ҳам эга. «Техника юлдузлари» деб номланган бу матбуот органи ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилмоқда. Таҳрир ҳайъатига эса чет эллик йирик олимлар ҳам аъзо этиб тайинланган.

Франциядаги сертификациялаштириш халқаро ташкилоти ҳам журнал билан ҳамкорлик ўрнатган.

Бу ташкилот «Техника юлдузлари» журнали фаолиятига яхши баҳо бериб, мазмунли илмий нашр сифатида унга сертификат берди.

Журнал саҳифаларида чет эллик ёш тадқиқотчилар тадқиқотларини ҳам ёритишга эътибор қаратилмоқда.

Маълум

АХБОРОТЛАР
БАНКИ ЙЎЛИДА

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш хонаси Низомиде уларни замонавий усулда техник жиҳозлаш талаблари ҳам ўз ифодасини топган. Бу эса ўқув юртида компьютер ахборотлар банкни яратиш, масофадан туриб касбий ахборот ва маслаҳатлар беришга эътибор қаратишни талаб этади.

Республика ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази томонидан бу борада кўрилатган талбирлар ҳам ижобий натижаларни бермоқда. Марказнинг замонавий ахборот технологиялари бўлими сайёҳаракатлари тўғрисида қатор янгиликлар юзага келди.

Марказнинг Интернетдаги веб-сайти ва унинг дизайнерлик ечимлари яратилди. Аини вақтда умумий ўрта таълим мактабларидаги касб-ҳунарга йўналтириш хонасининг компьютер макети тайёрланиши ҳам жиддий ютуқ бўлди.

Кўрғазма ва тарқатма материалларнинг қоғоз кўришидаги нусхалари эндиликда бирмунча эскириб қолди. Бунини инобатга олиб, уларнинг компьютер нусхаларини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Шу излашлар жараёнида материаллар, кўрғазмалар видео-роликлар ҳам рўйбога чиқмоқда. Уларни ҳудудий ташхис марказларига ва мактабларга етказиб беришга киришилди.

Акбар АЛИЕВ

ЕХХТ БОШ КОТИБИ
ЎЗБЕКИСТОНДА

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Бош котиби Ян Кубиш раҳбарлигидаги делегацияси Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболли, ўзаро қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ташкилотни жаҳонда рўй бераётган воқеалардан келиб чиққан ҳолда ислоҳ қилишга оид масалалар борасида сўз борди.

Мамлакатимизда шу йил декабрь ойида бўлажак парламент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ЕХХТнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги борасида ҳам фикр алмашилди. Ян Кубиш икки палатали парламентнинг жорий этилиши Ўзбекистонда демократик жамият қуриш йўлидаги муҳим кадам эканлигини алоҳида таъкидлади.

Мехмон Ўзбекистон раҳбари Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш борасидаги ташаббусга юқори баҳо берди. Ян Кубишнинг таъкидлашича, бу билан нафақат ягона минтақавий бозор ташкил этилади, балки хориж сармоясини кўпроқ жалб этиш учун янги имкониятлар ҳам очилади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонасида «Тараққиёт учун озиқ-овқатлар» дастури бўйича Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисидаги ҳукуматлараро шартнома имзолаш маросими бўлиб ўтди. Шартнома АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Товар кредитлари корпорацияси вице-президенти К.Миллер ва Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси А.Комитов томонидан имзоланди.

ТАРАҚҚИЁТ УЧУН
ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР

Мазкур ҳужжат шартлари мувофиқ жорий йил мобайнида АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги қиймати 5 миллион АҚШ долларига тенг 10 минг тонна ловия маҳсулотларини Ўзбекистонга грант асосида етказиб беради. Соя ловиялари қайта ишланиб, ўсимлик ёғини ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун тендер савдолари йўли билан хусусий ва давлат тармоқларидаги корхоналарга сотилади.

Соя ловиялари савдосидан олинган миллий валютадаги даромадлар республика қишлоқ хўжалигида хусусий тармоқ роли ва улушини оширишга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш, экологик

тоза ва иқтисодий барқарор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари саноатини ривожлантириш учун сарфланиши кўзда тутилган.

1999 йилдан буён Ўзбекистон АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлигининг имтиёзли дастурларида мунтазам равишда иштирок этмоқда. Шу вақт давомида мамлакатимизга қиймати 177,64 миллион долларга тенг турли хилдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

2002-2003 йиллардаги грант дастурлари бўйича маҳсулотлар савдосидан олинган маблағлар ҳисобига хусусий фермерлик хўжалиқларини қишлоқ хўжалиги техникаси билан

таъминлаш, ирригацион тизимларни таъмирлаш ва ривожлантириш, сувни тежаш технологияларини жорий этиш, қишлоқ ҳудудларининг иқтисодий инфратизимларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва саклаш борасидаги дастурлар молиялаштирилмоқда.

Бемор болаларга ихтисослашган интернат мактаблар, меҳрибонлик уйлари ва боғчалар, касалхоналар, қариялар ҳамда ногиронлар уйларидаги 211 мингдан зиёд фуқароларни энг зарур сўт маҳсулотлари билан беғараз асосда таъминлаш бўйича махсус дастур амалга оширилди.

«Жаҳон» АА

Ислохотлар оқшомида

НИЯТЛАРИНГИЗ
ЙЎЛДОШ БЎЛСИН

Мустақил юртимизда ҳар соҳада ўзгариш, янгилик, бозор иқтисодиётдан келиб чиққан ҳолда улкан ислохотлар олиб борилмоқда. Барча ислохотлар замирида эса эркин, фаровон турмуш, инсон шаъни, кадр-қиммати, соғлиқ-саломатлиги бош мақсад килиб қўйилган. Аёлларнинг, она ва боланинг, эртанги юрт эгасининг жисмонан соғлом, ақлан баркамол бўлиб вояга етиши йўлида тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ишлар айниқса эътиборлидир. Хусусан, «Оила шифокори» тизимида фаолият юритаётган оилавий поликлиника, хусусий клиника ва фирмалар ҳам айнан инсон саломатлиги учун жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Бугунги кун тиббиёти жуда илгарилаб кетди. Замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланмаган биронта шифохонани бугунги кунда топиш жуда мушкул. Бугун биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлаётган Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Доктор Оқтам» фирмаси ҳам айнан инсонлар саломатлиги йўлида камтарона хизмат кўрсатиб келаётган мўъжазгина хусусий даволаш масканларидан биридир.

Клиникага кириб келганимизда аввало эътиборимизни озодлик, саранжом-сарриштилик, шифокору ҳамшираларнинг ўта хушмуомалалиги, беморларга кўрсатаётган ҳурмат-эҳтироми, камтарликлари тортиди. Бундай муомалани ҳар бир бўлимда, ҳар бир қадамда кузатдик ва беихтиёр «демак бош шифокор ширинсухан, талабчан бўлса керак», деган фикр хаёлимиздан ўтди.

Бизни очик чехра билан кутиб олган, юзидан самимийлик ёғилиб турган шифокорнинг эса бош шифокор Нигора Қирғизбоева эканлиги бизни ажаблантирди. (Бизнинг кўзимиз юмшоқ креслоларда ўтириб сизни виқор билан қарши оладиган бошлиқларга ўрганиб қолган-да). Сабаби Нигора ҳам биз билан суҳбат асосида камида 5-6 нафар беморга хизмат қилишга улгурди, ҳатто ёши улғур беморига осма ўқолини ҳам ўзи кўйиб келди. Беморлар билан савол-жавоб қилар экан, унинг сўзларидан ўз касбидан жуда фахрланишини ва шевишини илғаш қийин бўлмади.

— Шифо масканларида энг аввало тартиб-интизом ва тозалик биринчи галдаги вазифа саналиши лозим, — дейди бош шифокор. — Чунки бу ерга инсонлар шифо излаб келишади. Ҳар бир соҳа ходимининг ўз иш жойида бўлмаслиги ҳақли эътирозларга сабаб бўлади. Клиникамиз хусусий бўлиб, иш бошлаганига 3 йил бўлди. Бу бино аввал Зангиота туманига қарашли поликлиника эди. 70 йил аввал қурилиб, таъмирланишига жуда муҳтож бўлган бинода ярим йилдан бери таъмирлаш ишларини олиб бораётимиз, тўғрисида қайта қурдик, десак ҳам бўлади. Тез орада замонавий аппаратлар билан жиҳозланган, барча қулай шарт-шароитлар яратилган хоналарда шифокорларимиз беморларга бундан ҳам яхши хизмат кўрсатадилар. Биз ҳозирги кунда 15000 дан ортиқ ён-атрофдаги аҳолига «Оила шифокори» тизимида хизмат кўрсатамиз.

Зангиота, Янгийўл, Сарағоч, Қозғистондан ҳам йўқлаб келишади. Бизда асосан кардиолог, гинеколог, стоматолог, терапевт, отоларинголог, рефлекс-терапия каби йўналишлардаги шифокорлар кас-талликларнинг олдини олиш, даволаш, лаборатория таҳлилларини, физиотерапиянинг янги методлари — инфранур билан

— Нигорахон ёшлиқдан жуда эпчил, бир нарсаси аҳд қилса эришмасдан қўймайдиган қиз эди, — дейди биз билан суҳбатда узоқ йиллар соғлиқни саклаш тизимида меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини суратган Ҳатмхон Мухитдинова. — Менинг ҳар бир ҳаракатимни синчковлик билан кузатар, катта бўлсам албатта мен ҳам зўр дўхтир бўламан дер эди.

Мана, тинимсиз ўқиб-ўрганиб, ўз касбини пухта билган гинеколог-шифокор бўлди. Ҳатмхоннинг келиши билан, катта бўлсам албатта мен ҳам зўр дўхтир бўламан дер эди. Мана, тинимсиз ўқиб-ўрганиб, ўз касбини пухта билган гинеколог-шифокор бўлди. Ҳатмхоннинг келиши билан, катта бўлсам албатта мен ҳам зўр дўхтир бўламан дер эди.

— Бу ҳали ишларимиз жойида бўлди, дегани эмас, — дейди Нигорахон. — Ҳозирда 8 ўринли кундузги шифохонамиз бўлса, келгусида фирмани кеча-кундуз ишлайдиган, кичик операцияларни ҳам амалга оширадиган даволаш марказига айлантириш ниятим бор. Токи имкон борида эл соғлиқ-саломатлиги йўлида хизмат қилайлик. Бизга умид билан, наҳот истаб келаётган беморларнинг оиласи бағрига соғайиб қайтишларини қўришдан ортиқ бахт йўқ бу дунёда. Ҳар бир ходимимизга билдирилган миннатдорчилик, раҳматлар бизни янада яхшироқ, масъулиятроқ бўлиб ишлашга ундайди. Мустақиллик тўғрисида жуда кенг имкониятлар очилди, улардан самаралари ва унумли, қонунарга тўлиқ амал қилган ҳолда фойдаланиш юрт эгасига бефарқ бўлмаган ҳар бир касб эгасининг муқаддас бурчидир.

Биз ҳам қўли энгил шифокорларга омад, эзгу ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Доктор Оқтам» хусусий клиникаси фаолиятдан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.



ЯШАШ ТАРЗИМИЗ

Бир ривоятда келтирилишича, буюк ҳаким Абу Али ибн Синодан касалликларнинг келиб чиқиши сабаблари нималардан иборат деб сўрашибди. Шунда Ибн Сино:

— Касал изламайди. Касални излашадилар. Қайси бир жойда унга муҳит туғилса, имкон яратилса, уша жойга касал осонликча кириб олади ва ўз фаолиятини, қаро қилмишини давом эттиради. Бор ҳақиқат шундаки, ҳаётда 60-70 фоиз касалликларга асаб сабабчи бўлади. Демакки, асабга эрк бермаслик керак.

Дарҳақиқат, Шарқ ва Ғарб табобатчилари азалдан саёхат қилишлик, табиатнинг гўзал масканларида бўлишликни саломатлик омилларидан бири деб билишган. Айниқса, мусоафҳо осмонга, мовий сувликларга, яшил майсаларга боқилиш руҳиятта озик бахш этади. Аслида 11 ой ишлаб, бир ой дам олишлик ҳам, таранглашган, чарчоқ асабларни жойига келтиришдан иборатдир. Бекорга меҳнат таътили берилмайди. Биз дам олиб, яна кучга тушиб, яхши кайфият билан иш бошлашга олатланганмиз. Нега одамлар футболга киришади? Биринчидан ишқибозлик бўлса, иккинчидан 90 дақиқа ям-яшил майдонга тикилиб, завқ билан тезкор ўйинни томоша қилиш асабларни жойига келтиради. Шу билан бирга чарчоқ босилади ва занфлашган кўзлар ўткирлашади.

Инсон учун тоза ҳаво қанчалик фойдали бўлса, яшиллик ва софлик ҳам шунчалик зарурдир. Табиий неъматларнинг организмга нафи ҳам шу жиҳатдан каттадир. Биз сунъий нарсалардан кўра, табиий неъматларга кўпроқ мойимиз. Дала сайилларига чиқиб, гўзал табиат кўйида дам олишни ва ов қилишни яхши кўрамыз. Демак, табиатимиз унга ҳаммиша чанқоқ ва мойил экан.

Одамзот табиати жуда қизиқ бўлади. Узоқ умр кўрсам, доим хурсанд юрсам, бахтли ва омадли бўлсам дейди. Бунинг учун жисмонан бақувват бўлишлик, соғлом турмуш тарзига доимо амал қилиб яшамоқлик керак.

Бугунги мавзуимиз ўз-ўзиндан яшиллик олами ҳусунидадир. Ахир, яшнаб турган дарахта та очилиб турган гулга боқиб бахридлимиз очилиб, кувнаб юрамыз. Яшиллик дунёсининг бир қатор мўъжизаси бор. Улар бизни кийинтиради, овқатлантиради, қуриллишимизда асқотади. Узингиз ўйланг, ахир ҳоналаримиз кўрки бўлган мебеллар ҳам дарахтдан ясалди. Яшиллик оламнинг инсоният ҳаётидаги ўрни ниҳоятда каттадир. Илмий тил билан айтганда, ўсимликлар дунёсини ўрганадиган фан, бу — «Ботаника». Унинг иқлимни мўътадиллаштиришини айтмайсиз-ми?! Флора, наботот ва фита иборалари ҳам яшиллик олами — ўсимликларга алоқадордир.

НАБОТОТ МЎЪЖИЗАСИ

Ўсимлик оламнинг энг муҳим ва фойдали жиҳати шундаки, улар маҳлуқотлар ҳаёти учун ксилород ишлаб чиқаради. Ксилород ўзи нима? Ксилород физиологик жараёнларда, нафас олишимизда муҳим роль ўйнайди. Ксилороднинг бевосита иштирокида 1364 та минерал модда ҳосил қилинади. Улардан ҳаётимизда фойдаланамиз. Одам организмни тинч турганида бир кеча-кундузда 300 литр, жисмоний иш бажарганида эса 10-15 марта кўп ксилород сарф қилади. Ана шу сарфланган ксилородни ўз навбатида яшил ўсимликлар тиклаб туради ва таъминлайди.

Фотосинтез жараёнида ксилород иштирок этади. Бу жараён юксак ўсимликлар, сув ўтлари ва фотосинтезловчи бактерияларнинг оддий бирикмаларидан хлорофилл ва бошқа фотосинтетик пигментлар ўзлаштирган ёрғул энергияси ҳисобига ҳам ўзи, ҳам бошқа ҳамма организмлар учун муҳим ва зарур бўлган мураккаб органик моддаларни ҳосил қилади. Бу эса бизнинг яшашимиз омилидир.

Ксилород оғирлиги жиҳатидан Ер ўсти-нинг 47 фоизини, сувнинг 85, 82 фоизини, атмосфера ҳавосининг 23, 15 фоизини ташкил этади. Тирик организмларда ўртача 70 фоиз ксилород мавжуд. Ер юзидати ўсим-

ликлар ҳар йили фотосинтез жараёнида юз миллиард тонна органик модда ҳосил қилади. Ана шунинг ярими океан ва денгиз ўсимликларига тўғри келади. Фотосинтез жараёнида ўсимликлар 200 миллиард тонна карбонат ангидриди қабул қилиб; ўз навбатида ҳавога ҳам 145 миллиард тоннага яқин эркин ксилород ажратиб чиқаради. Атмосферада барча ксилород фақат фотосинтез тўғрисида юзата келади.

Ер юзидати фотосинтезловчи ўсимликларнинг пайдо бўлиши, аслида гетеротроф организмлар ривожланишига сабаб бўлди. Бунга бактериялар, замбуруғлар, ҳайвонлар ва одамларни мисол келтириш мумкин. Органик моддаларнинг оксидланиши тўғрисида Ер юзидати моддалар алмашинуви содир бўлган. Атмосферани тозалаш учун ҳозирги мавжуд ўсимликларнинг фотосинтезловчи кучи етарли бўлмаганлигидан ҳам улар Ер шаридаги карбонат ангидрид газини тўлиқ ўзлаштира олмади. Бунинг учун фотосинтез манбаини, ўсимликлар ландшафтини сақлаш, кўпайтириш ҳамда ҳаётда ўсимликлар оламидан унумли фойдаланиш зарур бўлди. Демак, яшиллик майдонларини, ўрмонларни кўпайтириш керак экан. Наботот оламнинг яна бир мўъжизаси борки, айрим ўсимликлар ўзидан фитонцид ажратиб чиқаради. Бу модда ўзларидан олисдаги зарарли микробларга қирғин келтиради. Унинг таъсир кучи ва спектори турлича бўлади. Масалан, бир гектар қарағай 5 килограмм фитонцид ажратади. Бундай ўсимликларга эман, эквалитп, қарағай, ёнғоқ, чинор, саримсоқ пиёз, хрен, қалампир, райхон каби-ларни киритиш мумкин. Булар ўзини стериллаш ҳусуниятига эга.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ «БОҒИ ЭРАМИ»

Мамлакатимизда ўсимликлар дунёсини ўрганиш ва тадқиқ этиш, ундан самарали фойдаланиш билан шуғулланаётган бир қатор ташкилотлар, институтлар ва бирламалар бор. Лекин улар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази бош ва асосий вазифани эгаллайди. Биз ана шу илмий марказ раҳбари, биология фанлари доктори, профессор Озодбек Ашурметов ҳузурда бўлиб, бу ердаги тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган ишлар ҳусунида сўхбат қурдик.

— Озодбек ака, ўсимликлар дунёси ва Ўзбекистон флораси ҳақида нималар дейишингиз мумкин?

— Ер юзидати юксак ўсимликларнинг 20 мингдан ортиқ тури маданийлаштирилган, уларнинг 2800 тури озиқ-овқат учун, бошқалари саноат ва турли соҳаларда қўлланилади. Уларнинг 70 фоизи Марказий Осиё флорасида мавжуд. Қурраи заминимизда ҳаммаси бўлиб, ўсимликларнинг 500 минг тури учрайди.

— Ўзбекистон флораси ҳам ўзинга ҳос, ранг-баранг бўлса керак?

— Тўғри айтасиз, мамлакатимизда 4560 тур юксак ўсимликлар учрайди. Германиядек давлатда эса 280 га яқин ўсимлик тури бор. Бизда учрайдиган ўсимликларни машҳур ботаник олимларимиз ўрганишиб ва тадқиқ қилишиб, тартибга келтиришган. Уларнинг меҳнати тўғрисида ҳам 6 томли «Ўзбекистон флораси», 10 томли «Ўрта Осиё ўсимликларини аниқлагичи», 4 томли «Ўзбекистон ўсимликлар қоплами» каби қатор китоблар чоп этилган. Маданий ўсимликларимиз ҳақида сўз юрилтадиган бўлсак, биздаги уларнинг 600 дан ортиқ тури инсон ва жамият учун аҳамиятлидир. Буларнинг 78 тури доли, 53 тури мойли ва толали, 70 тури саноатда ишлатилади. Чорвачилик ем-хашак базасини яратишда 50 тур маданий ва 1700 тур ёввойи ўсимликлардан фойдаланилади.

— Яшиллик дунёсини одам ҳаётида муҳим роль ўйнаш шубҳасиз. Унинг баъзи бир ижобий ҳусуниятларини ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтсангиз яхши бўлади.

— Ўсимлик дунёсининг аҳамияти бебаҳо ва чеқсиз. Биз ундан кўп наф кўрамыз. Лекин лоқайдлимиз, безътиборлигимиз тўғрисида ҳам ўсимликларда нописандлик билан қарай-миз. Табиий ўрмонлар ва тўқайларни ваҳ-

шийларча йўқ қилиб ташлаймиз. Бугун унинг генофондимизга таъсирини кўриб турибмиз. Ахир, Орол муаммосини ҳам ўзимиз келтириб чиқардик-ку?! Ҳозир, бу минтақанинг 50 миллион аҳолиси унинг жабрини тортиб турибди. Қадимда ажлоларимиз яшиллик оламнинг сир-синоатидан воқиф бўлиб, унинг шифобахлиши ва бошқа ҳусуниятларидан фойдаланиб келишган. Она табиатнинг ўзи инсонларни бир-бирларига боғлиқ қилиб яратган. Одамзот ўсимликлар иштирокисиз яшай олмади. Биз учун зарур бўлган 4 та табиий ибтидо бор, булар: Ер, Сув, Ҳаво, Қуёшдир. Демак, ана шулар

Ўшандан буён меvasиз бақатерак Худонинг инюати билан ҳафақонлик хасталигига даво бўлиб қолибди. Азизлар, боғ яратиб, терак экинлар. Унинг соясига ўтирсаларингиз, хафақонлик касаллигига мубтало бўлмайсизлар, — дебди Ибн Сино.

Ботаник, тартибуно ва рўхшунот олимларнинг тадқиқлашларича, одамзот дарахтлардан муайян масофала турганида ёки юриб бораётганида ўз вужудидан зарарли биоэнергияни дарахтларга узатиб, улардан ўз навбатида қувват олишга муваффақ бўлади. Ҳар ким ҳам ўз биоэнергияни ҳусунига эга бўлган дарахтни топиб, унга суя-

Шимолий Америка, Хитой ва Ўрта денгиз мамлакатларидан келтирилган. Шунингдек, тропик ва субтропик мамлакатларидан келтирилган ўсимликларнинг 8800 тури Ўзбекистон шарафига мослаштирилган.

— Айрим, бизнинг иқлим шарафитимизга мослаштирилган ўсимлик турлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Ўзбекистоннинг шаҳар ва туманларида, кўчалари, хиёбонлари, истироҳат боғларини кўкаламзорлаштириш учун дола дарахти, денкоран акацияси, пирамидал эман, қоғоз дарахти, катальпа, манголия, кипарислар, пушти гулли акация, Йирик гулли жука,



яшаш тарзимизни, борлигимизни ўзида ифода этади. Бунга нафас олишимиз ва нафас чиқаришимизни мисол келтиришимиз мумкин.

РИВОЯТНИНГ АСЛ ФАЛСАФАСИ

Шу ўрнида бир ривоятни эслаб ўтишимизга тўғри келади. Қувардан бирида Абу Али ибн Сино ҳазратлари олдида юзлари сўлган, ранглар бир аёлни бошлаб келишибди. Аёлнинг еттига бири-бириндан ақлли ва баҳодир ўғиллари бор экан. Улардан каттаси:

— Эй, ҳақими мутлак! Биз, сиздан наҳот сўраб келдик. Онамизоримиз руҳиятлари туши-шиб, ҳафақон бўлиб қолганлар. Кўп табибларга кўрсатдик. Давосини тополмай, ахир-и сиғра келишга мажбур бўлдик, — дебди.

— Эй, фарзанди дилбандлар, онангизни ҳув анави бақатеракка сувб қўйиңизлар ва ўзларингиз қайтиб кетаверингизлар, — дебди Ибн Сино.

Фарзандлар табиб айтганларини қилишибди. Эртасига қайтиб келсалар, оналари ҳамон уша бақатеракка сувниб ўтирганмиш. Бироқ, оналарининг юзига қон югурган, чеҳралари очиқ ва тетиклашиб қолганини кўри-шибди. Бу ҳолатдан севинган фарзандлардан яна бири Ибн Синога юзланиб:

— Сизга, раҳмат! Онамиз анча яхши бўлиб, тузалиб қолибдирлар. Қўллаган дориларингизни бизга айтсангиз. Биз ҳам у кишига вақти-вақтида бериб турсак, — дебди.

— Онангизга ҳеч қандай дори-дармон берганим йўқ. Унинг дардини суяниб турган бақатерак тортиб олди. Аллоҳ инюати тўғрисида Сўлаймон (а.в.) балиқчининг Сора исмли қизига ўйланибди. Лекин, кўп йиллар яшаб, улар фарзанд кўришмабди. Бу ҳолатдан Сўлаймон (а.в.) хафа бўлиб қолибди. Буни сезган Сора ўз эрини ўзи ўйлантириб қўйибди. Биринчи никоҳ кечаси муҳаббат фироғига чидай олмасдан Сора фарёд уриб, боғ айланбди. Шунда қуриб қолган бир дарахтни кучоқлабди. Аллоҳ мўъжизасини қарангки, бу дарахт мавжланиб, яшнаб кетибди. Бақатеракка айланбди. Унинг барглари ҳудди аёл қалбидек нозик, сал елвисак тегса ҳиллираб турар ва одамларга ҳузур-ҳиловат бахш этадиган бўлибди.

ниб, бағрига босиб қувват олиши ва довланиши мумкинчидир. Биз бизмаган ҳолда ҳаётимизда янги дарахтзорларда юриб, бундай имкониятлардан фойдаланамиз.

Ота-боболаримиз маздан бошлаб бундай амалий довланишни яхши билишган. Айниқса, Шарқ табобатида инсонларнинг қайси мучалда тўғилганлиги ва жинсига қараб, даволаб келишган. Бунга шу ўрнида иккига мисол келтириб ўтамиз. Биринчидан, эркак киши сиқон мучалида турган бўлса, заранг дарахти унга фойда келтиради. Аёл киши шу мучалда турган бўлса, унга ёнғоқ дарахти шифо бўлади. Худди шунингдек, 12 мучалнинг ҳар қайсисига оид юқоридагилек шифо берадиган дарахтларни аниқлашган ва ундан фойдаланиб келишган. Иккинчидан ҳаммаёп 4 та дарахт бор. Буларга бақатерак, жийда, тут ва қарағай кирди.

БОТАНИКЛАРНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Ўзбекистон ботаникалари яна бир кутлуғ санани нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар. XX асрнинг ўттиз тўртинчи йилида Республика Фан кўмитаси қошида тарихда биринчи мартаба ўсимликлар ресурсларидан илмий асосда фойдаланидиган бўлим ташкил этилган. Бу йил бу муҳим санга 70 йил тўлади.

Ботаника боғи Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) негизда 1943 йилда ташкил топган. 1968 йилдан бошлаб, ботаника боғи илмий-тадқиқот институти мақоми берилган. Дағдлаб унинг майдони 80 гектар бўлган. Ҳозирда 66 гектардан иборат. Ботаника боғи зиммасига ўсимликларни инд-родукция ва иқлимлаштириш, шарафига мослаштиришни тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланишни ҳал этиш юклатилган. 1970 йилга келиб, ботаника боғи ўсимликлари 6 мингга етказилган. Унинг 2500 тури дарахт ва бута, қолганлари бир, икки ва кўп йиллик ўт-ўсимликлардир. Бу Ўзбекистоннинг «Боғи эрамини» ноёб ўсимликлар асосан, Ўрта Осиё республикаларининг тоғи ва текислик ҳудудларидан, Европа мамлакатларидан, Кавказдан, Узоқ Шарқ ўлкаларидан,

Хитой қарағайи, Япон тути; пиёзгуллилардан дола, крокус, гиацин; илдизояллилардан гулисафсар, саллагуллилар; дурағай ги-бискус — пахта гулли, шунингдек, 90 дан ортиқ бошқа манзалари ўсимликлари бор. Боғ барпо этишга соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам ўз даврларидан жиҳдий эътибор қаратганлар. Биргина Самарқанднинг ўзида Боғи чинор, Боғи шамол, Боғи дилқушо, Боғи беҳиш, Боғи нав, Боғи баланд, Боғи давлатобод номли етти машҳур боғни яратганлар-ку.

— Озодбек Ашурметович, ўз-ўзиндан аён-ки, Музоабалик йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида ҳам ислохотлар олиб борилаётди. Унинг таркибидида илмий-тадқиқот институтлари тизимига бошқару-вини янада тақомиллаштириш орқали миллий ҳалномадага кенг йўл очиниш имкон туғиди-рилди. Шундай эмасми?

— Ботаника боғи билан Ботаника институти бирлаштирилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Бўстон шаҳрида Амир Темур номли ботаника боғи барпо қилинди ва шу кун талабига мос тарзда «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш марказига айлантирилди. Албатта, ботаника боғида анча-мунча қилинган ишлар ҳақида юқорида фикр баён қилдик. Бу маскан нуфузининг ортис-шида машҳур академик Ф.Н.Русанов, профессорлар А.Усмонов, П.Зокиров ва бошқа олимларнинг хизматларини эътироф этамиз. Устозлари бошлаб берган ва асос солган хайри ишларни бугун уларнинг ўнлаб шогирдлари давом эттиряптирлар. Буларга Н.И.Штонда, А.Х.Шарипов, Н.Ф.Русанов, В.П.Печеницин, Х.Х.Нуралиев, Б.Е.Тўхтаев, А.А.Корчагина ва бошқаларни мисол келтириб ўтишимиз мумкин.

Энди эса Ботаника институтига тўхталадиган бўлсак, унга 1934 йилда асос солинган бўлиб, 1943 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси таркибидида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирда эса бўлимларни ҳам, лабораторияларни ҳам бир-бирига яқинлари билан бирлаштирганмиш. Мақсад ва вазифаларимиз фақат ботаникага оид билимларни мустақил Ўзбекистонимизнинг бугуни ва нури келажаги йўлида хизмат қилдиришдан иборат.

— Набототшунос олимлар тадқиқотлари ҳусунида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Республикаимиз ҳудудида 400 та эндем ўсимликлар борлигини олимларимиз аниқлашди. Бу ўсимликларнинг ҳусунияти шундаки, улар дунёнинг бошқа давлатларида учрамайди. Улар бизнинг наботот бойлигимиз ҳисобланади. Мамлакатимизда 700 га яқин доривор ўсимликлар борлигини ҳам олимларимиз ўрганишган ва унинг таркибини аниқлаб чиқишган. Бунга «Ўзбекистон доривор ўсимликлари», «Шифобахш ўсимликлар» каби китобларнинг чоп этилганлигини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Бу борада бизнинг катта имкониятларимиз бор, аммо ундан фойдаланишда оқсалашлар ҳам кўзга ташланади. Биз юқорида тилга олинган доривор ўсимликлардан фақат 30 тасидангина илмий тиббиётда фойдаланмоқдамиз. Бу жуда ҳам оз.

ФОЙДАЛИ «МИТТВИОЙ»НИНГ ХОСИЯТИ

— Ўзбекистон бир ҳужайрали хлорелла сув ўти билан машҳур бўлган эди. Ҳозир-чи?

— Яшил сув ўти хлорелла ва бошқа қатор сув ўтлари устидан илмий тадқиқот ишлари ҳозирда ҳам давом этаётди. Бу борада биология фанлари докторлари, профессорлар Рисквали Шойқубов, Хурсанали Бердикулов, Муқаллас Қўчқорова, Сайфулла Халилов, Абдусаттор Абдуқодиров, Холисахон Олимжонова каби олимларимиз диққатга молик тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Ундан чорвачилик, пиллачилик, балиқчилик ва галлачиликда, айниқса ифлосланган оқва сувларни биологик усулда тозалашда фойдаланиб келмоқдалар. Сув ўтларининг аҳамияти шундаки, уларнинг қимёвий таркиби ҳаётбахш омилларга серобдир.

— Дунё аълолог олимлари сўнги йилларда сув ўтларига янада эътиборини кучайтиришмоқда. Бунинг сабаблари нимада?

— Табиатнинг нақадар саҳийлигини сув манбаларида кўрамыз. Бу ҳам бизга Худо томонидан берилган ризқ. Масалан, балиқчиликни олиб қарайлик. Сув ўтлари бўлмаса, сув жониворлари ҳам бўлмасди. Сув ўтларининг дунёда 30 мингдан ортиқ тури учрайди. Уларнинг экологияси, тарқалиши қонуниятлари жуда ҳам қизиқ. Бу сув ўтлари таркибидида оқсил, мой ва бошқа ҳаётий моддалар ниҳоятда кўп учрайди. Республикаимизда сув ўтларининг 3 мингдан ортиқ тури бор. Шулардан фақат 10 га яқин туридан фойдаланамиз. Бу жуда ҳам оз. Шу ўрнида яна бир фойдали гап шундаки, юксак сув ўсимликлари ва сув ўтлари орасида айрим-айрим сўпроб турлари ҳам бор. Уларнинг кўпчилиги фақат энг тоза сувларда, айримлари эса ифлосланган сувларда учрайди. Сувнинг тозаллиги, ундан ҳўжаланиб фойдаланишга яроқлилигини ана шу сув таркибидида учрайдиган санитар— сўпроб сув ўтларидан билса бўлади. Буни «табиий сўпроб лаборатория» деса ҳам бўлади. Ўзбекистон аълологлари савий-ҳаракатлари тўғрисида ҳам барча сув ҳавзаларида сув ўтлари инвентаризация қилинган. Сувдаги органик моддалар, асосан сув ўтларидан пайдо бўлади. Ер юзидида органик моддаларнинг 80 фоизини сув ўтлари ва бошқа сув ўсимликлари ташкил этади. Сувда ва тупроқда ҳаёт кенчирдиган жониворлар учун ксилородни сув ўтлари ажратиб беради. Демак, сувдаги ҳаёт бевосита ана шу сув ўтларига боғлиқ экан.

— Орол муаммосини баргараф этишда сиз раҳбарлик қилаётган ботаник олимларнинг ҳам ҳиссаси бўлса керак.

— Шундай, мамлакатимизда чўлданли-нинг олдини олиш борасида қатор йиллардан буён профессор — О.Ҳасанов ва Т.Раҳимовлар бошлиқ бир гуруҳ олимларимиз илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Улар иссиқ ҳароратта ва шўрта чидам-ли, чорва учун озуқа бўладиган 200 дан ортиқ ўсимликлар орасидан 100 га яқинини аниқлаб олдилар. Бу ўсимликлардан Қизилқум яйловларини янги ем-ҳашак ўсимликлар билан бойитишда фойдаланишмоқда. Шунингдек, уларнинг Орол денгизининг чекинган

ва қуриб қолган майдонларида синаб кўришди. Шулардан, ҳозирда бу ўта оғир шарафига 20 га яқин тури мослашди. Бизнинг Янги-ер, Нурота, Бўстонлик, Қийрай ва Қизилқумда таянч лабораторияларимиз борки, уларда бу борагаги тадқиқот ишлари олиб борилади.

— Ўсимликлар дунёсига ваҳшийларча қилинган таъвоулар тўғрисида ҳам инсон ҳаёти учун зарур бўлган қўлал наботот турлари хавф остида қояпти. Бунга нима дейсиз?

— Одамзот ўзлигини йўқотар экан, у энг аввало ўз наслига, ўз миллати ва Ватанига хилоф ишларни қилади. Юртини обод ва маъмур қилиш, гўзал боғ-роғларга буркаш, унинг энг яхши фазилатлари ҳисобланса, шу билан бирга ўзи яшаб турган табиатни хавф остида қолирса, бу демак, ўз илдинга ўзи болта урганидир. Ўзбекистонда учрайдиган мавжуд 4560 та ўсимликларнинг биз яшаётган XXI асрнинг бошига келиб, 300 дан ортиқ тури «Ўзбекистон қизил китоби»га киритилди. Энг ачинарлиси, 10 дан ортиқ ноёб ўсимликлар тури бутунлай йўқолиб кетди. Яшиллик—яхшиллик дунёсини эканлигини кундан кунга унутиб бораётган одамларимиздан фақат ранжийсан киши. Пайгамбаримиз (с.а.в.): «Агар қиёмат қойим бўлаётган бўлса, қўлингиздаги ушлаб турган кўчатни экинга улгуринг», деганлар. Бу муборак ҳадиснинг моҳияти яшашликка, ҳаётга ишораидр.

— Озодбек ака, меҳнат, айниқса олимлар меҳнати жуда ҳам захматли. Уни нгина билан қудуқ қазинликка тақдосланган. Албатта, меҳнат инсонни узугайлади...

— Турри айтасиз. Марказимизда кечани-кеча, қушаузи-қушаузи демасдан фидокорона меҳнат қилиб келаётган ҳаётбахш олимларимиз анчагина. Бизнинг Ботаника институти ва Ботаника боғи қудратини, шухратини дунёга тарғибда марҳум академиклар Жўра Сайлов, Қодир Зокиров, Фёдор Русанов, Аҳор Музаффаровларнинг меҳнати ниҳоятда улуг. Бугун бу забардаст олимларнинг бошлаган ишларини, уларнинг шогирдлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари — Уктам Пратов, Ўринбой Ҳасанов, Аҳмад Иброҳимов, Ҳотам Самиев; Абу Райҳон Беруний мукотиби лауреатлари Мухаммадқон Набиев, Қадҳор Ҳожиматов; профессорлар — Тошқонни Раҳимов, Рузиқул Худойбердиев, Акрам Ўйдовлов, Антонина Бутник, Владимир Печеникин, Николай Русанов, Надежда Ақжигитова ва бошқа ўнлаб олимлар давом эттиряётганликларидан гурурланамиз. Марказимиз дунёнинг қўлал илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганлар. Бизнинг марказ Ўрта Осиё республикаларида асосий, бош илмий тадқиқот маркази ҳисобланади. Бундан ташқари бизнинг илмий тадқиқот марказимиз тасаруфиди 1,4 миллиондан ортиқ ўсимлик гербарийлари сақланади. Бундай ҳазина дунёнинг қамдан кам мамлакатларида бор. Флорамиз бебаҳо бойлигимиз, дейилганида ана шу юқорида таъкидлаб ўтилган тадқиқотлар, ҳалномалар кўз ўнгимизга келади, албатта. Бундан ташқари бизнинг Илмий кенгашимизда диссертация ҳимоя қилиб, учирма бўлган олимлар сони ҳам анчагинадир. Улар дунёнинг турли мамлакатларида, юзлаб олий ўқув юртиларида, илмий марказларда фаолият кўрсатётганликларидан фойда хурсандимиз.

Ҳозирда Республикаимиз университетлари билан биргаликда ўнлаб магистрлар ва бакалаврлар тайёрламоқдамиз.

Ҳа, биргина сўхбат асосида, албатта ботаник олимларимиз фаолиятига тўлиқ боғи беришдан йироқмиз. Бироқ, Ўзбекистондек қадимий юртининг шону-шавкатини оламга таратаётган бундай бебаҳо марказнинг мамлакатимизда мавжудлигидан гурурланасан киши. Ўзбекистон Фанлар академиясида бу илмий марказ нуфузи анча баланд. Ҳозирда унинг қошида 17 та илмий лаборатория мавжуд. Бу лабораторияларда 20 дан ортиқ фан докторлари, 50 га яқин фан номзодлари фаолият кўрсатиб келаяптирлар. Илмий жамоанинг ҳодимлари сони ҳам 300 га яқиндир. Биз, бугунги айрим мураккабликларга қарамастан, бутун умрини яшиллик олами ҳисобланмиш ботаника фанига бағишлаб келаётган ҳамюртларимизнинг олижаноб ишларида уларга каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Абдулхамид ҲАБИБУЛЛАЕВ журналист.

Шарқ дурдоналари

03-03 УРГАНИШ ДОМО БУЛУВ...

• Номард киши узрингни қабул этмайди, хатоингни эса кечирмайди. Разилонга яшагандан кўра мардонга ўлган минг марта афзал.

• Атрофдаги барча нарсани унутиб, фақатгина бир нарсага ортиқча меҳр қўйиш кўзни кўр, қулоқни қар қилади.

• Бир ҳақимнинг айтишича, хушмуомалалиқнинг ўнга белгиси бор. Улар қуйидагилар: инсоф, ақл, илм, хилм, олижаноблик, кўркем феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлик. Мана шу хислатларни ўзида жамлаган одамдан зинҳор ёмонлик кутиб бўлмайди.

• Баён қилишларича, бирор идишга мой қўйиб қўйилган бўлса, унга мой қўйиб қўйилганини ташқаридан қараб билиш мумкин. Шунингдек, одамнинг ҳам юзи, кўзи, тили ва кўринишига қараб унинг дилида нима борлиги, қўнглидан не хаёллар кечаётганини сезиб олиш мумкин.

• Бир кунги бир ҳақимдан: — Ботирлик яхшими ёки ақлу тadbирми? — деб сўрадилар.

У эса: — Ботирлик тиг бўлса, ақлу тadbир кўлдир. Агар уларга иш қилиш топшириладиган бўлса, кўл тигсиз ҳам уни амалга ошира олади, аммо тиг қўлсиз бирор ишни амалга ошира олиши муаммо! — деб жавоб берди.

• Бир ҳақимдан: — Қандай одам жазога лойиқ? — деб сўрадилар.

У эса: — Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас. Жазога лойиқ нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган илон-чаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган ёмонликларга жазоланадилар. Шу тариха кишиларни хатто одам дейиш ҳам ноўриндир!

• Унутмагинки, киши ҳеч қачон тамағир бўлмаслиги керак. Кишининг бошига тамадан турли балолар келади. Сал нарса учун киши ғазабланмаслиги керак, чунки киши учун дунёда ғазабдан кучлироқ нарса йўқ. Ғазаб келган пайтда киши ўзининг нима қилаётганини ўзи билмайди. Одам кишиларни ўз феълга мослаштиришга уринмаслиги керак. Балки одамлар қандай феълда бўлса ўша феълга мослашмоқ керак.

• Жолинус ҳақим вафот этгач, унинг хонасидан хат ёзилган куйидаги қоғозни топдилар: «Энг аҳмоқ ва нодон киши шундай кишики, топган егинини — у нима бўлишидан қатъи назар, тўхатмай озига солаверади. Вахоланки, табобатда айтилишича, ўртача ейиш саломатлик гарови!».

Байт:
Танпарварлик бўлса доим хаёлинг,
Қачон сенга қулиб боқади иқбол?
Гар гадосан гарчи шохнинг лашкари,
Нафсинг орзусини йўқотил дарҳол.

• Унутмагинки, ўз дардини табибдан яширган одам ўзи-ўзига хиёнат қилган бўлади.



ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Тўрт кун давомда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган талаба ёшлар спортнинг ўн тўрт тури бўйича беллашдилар. Мусобақалар нафақат бу қадим шаҳарда, балки вилоятнинг Жомбой ва Тайлоқ туманларидаги замонавий спорт иншоотларида ҳам ўтди.

...Самарқанддаги ўн беш минг томошабинни бағрига олган улкан стадион. Чорлов мусикаси янграйди. Турфараңдаги байроқлар ёшлик ва гўзаллик тимсолига айланган.

Мусобақалар давомда ғолибларга 230 олтин, 230 кумуш ва 251 бронза медали топширилди.

Ниҳоят, спорт ўйинларининг энг хаяжонли дамлари бошланади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг совғаси — «Дамас» автомашинаси, олтин медал ва биринчи даражали диплом «Тошкент — 1» жамоасига берилди.

Самарқанд вилояти терма жамоасига Президент совғаси — «Дамас» автомабили, кумуш медал ва иккинчи даражали диплом топширилди.

Президент совғаси — «Дамас» автомашинаси, бронза медал ва учинчи даражали диплом Наманган вилояти спортчиларига насиб этди.

Универсиадада ҳеч бир жамоанинг интилишлари эътиборсиз қолмади. Тақдирлаш маросимида кўплаб рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам топширилди.

Мусобақалар машъаласи аста сўнади. Универсиада байроғи наватбадаги мезбон — Тошкент шаҳри талабаларига топши-



рилди. Тadbир санъаткорларнинг катта концерти билан яқун топди. «Универсиада—2004» спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Самарқанд вилояти ҳоқими М.Нурмуродов иштирок этди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,
Акбар ҚАРШИЕВ

ЎЗА махсус муҳбирлари.
СУРАТЛАРДА: мусобақа қатнашчиларидан Рустам Тошматов ва Саида Искандарова.

— Ўзбек заминидан яна бир бор теннис юлдузлари ёдусининг шоҳиди бўлаётганимиздан бениҳоят хурсандмиз, — дели жулмадан мусобақанинг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳоқими Рустам Шоабдураҳмонов. — Мамлакатимизда спортга катта эътибор қаратилаётгани, хусусан тенниснинг оммавий тус олиб ривожланиётгани ва бунинг учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Аҳоли саломатлиги, ўсиб келаётган авлодни баркамол қилиб вояга етказиш, шунингдек, давлатимиз нуфузини янада юксалтиришга қаратилган бу муҳим ижтимоий масъала давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, шахсан Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланиб келинаётгани яхши маълум. Шаҳ-шубҳасиз, бугунги кунда Ўзбекистонда ўзига хос теннис мактаби яратилган, десак муболага бўлмайди. Бизнинг умиди ва етакчи спортчиларимиз жаҳон тенниси ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Тошкент мана уч йилдирки Осиё қитъаси ўйинларининг пойтахтига айлангани ҳам фикримиз далилидир.


Осиё чемпионатининг супервайзери Наво Каватэ мазкур турнир нуфузи ҳақида сўз юритиб, унинг «Катта дубулга» мусобақалари билан чамбарчас боғлиқлиги хусусида тўхталиб ўтди. Маълумки, Осиё чемпионати ролиби рейтинг очколари олмасда, аммо пул мукофоти билан бирга ҳар йили январь ойида Австралияда бўлиб ўтадиган йирик профессионал турнир — «Австралиан опен» мусобақаларининг асосий ўйинларига ҳам йўланмани қўла киритади.

Марказий Осиёгана эмас, балки Шарқий Осиё давлатлари орасида ҳам фақат Ўзбекистонда уч йил кетма-кет ўтказилаётган бу галги турнирнинг таркиби анча кенгайган. Ўзбекистонлик теннис муҳлисларига маълум бўлган спортчилар қаторида мамлакатимизга биринчи марта ташриф буюрган Қатар ва Қирғизистон вакиллари ҳам чемпионатда иштирок этмоқда.

Низомига кўра, Осиё чемпионати ўз ичига эркаклар, аёл-

лар ўртасидаги мусобақалар ҳамда жуфтлик ўйинларини қамрайди ва бир ҳафта давомда режалаштирилгани боис мусобақаларнинг биринчи кунги анча тизгилик билан ўтди. Кечанинг

Чемпионатда биринчи марта иштирок этаётган ўзбекистонлик дубончалар Комила Мирзаалимова ва Екатерина Моспановаларнинг ўзaro беллашишига тўғри келди. Омад Екате-



Осиё теннисқитъаси — 2004
ЧИРОЙЛИ
ЎЙИН БАРЧАНГИЗГА
НАСИБ ЭТСИН

Кеча пойтахтимизда теннис бўйича Осиё чемпионати-2004 мусобақаларига қатнашган кучли рақиблар билан «Тошкент теннис маркази»да давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, теннис ихлосмандлари иштирокида турнирнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Корт узра ҳарбий оркестр садолари остида Осиё қитъасининг 18 та давлатидан ташриф буюрган 74 нафар теннисчилар саф тортишди.



ўзида 21 та ўйин ўтказилиб, шундан 8 тасида аёллар беллашди. Ҳамюртларимизнинг дастлабки натижалари ҳам аниқ бўлди.

Чунончи, Осиё чемпионати — 2002 мусобақаларининг финалчиси Иванна Исроилова осонликча — 6/3, 6/2 ҳисоби билан рейтинг бўйича ўзидан анча юқори турган ҳиндистонлик Рушми Чакраварзини мағлубиятга учратди.

ринага қулиб боққан бўлса ҳам, аммо Комила иккинчи сетда жон-жаҳди билан куч синашгани ва унинг умид боғлаган учинчи сетни очиб ушун фақат бир неча сония етмаганини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Афсуски, биринчи ва иккинчи сетларда яхши кўрсаткичларга эришган (6/3, 5/7) Дилера Сайитхўжаева кейинги сетда имкониятни қирғизистонлик

Хения Палкинага бой бериб қўйди.

Саккизинчи рақам билан сараланган таиландлик Напапори Тонзали ҳали жуда ёш бўлган ҳамюртимиз Диана Норзиқулвани доғда қолдириб, иккинчи давра ўйинларига 6/0, 6/2 ҳисоби билан чиқди. Аммо таъкидлаш лозимки, Диана сўнгги дақиқаларга рақибининг кучли зарбаларига дош бера олди. Напапори Тошкентдаги мусобақаларда учинчи мартага иштирок этмоқда. У ҳақиқатдан кучли теннисчи. Аммо спортда кимнинг қайси рақиб билан беллашиши қуръа орқали аниқланади. Диана чемпионатда ўз хоҳиши билан қатнашмоқда, демак у даставал рақиблари кучли бўлиши ҳам мумкинлигини яхши билган. Шу боисдан у матбуот конференциясида «Мен учун муҳими шундай нуфузли мусобақаларда қатнашиш ва таъбири ортиришидир, муваффақият ҳақида ўйламагандим ҳам», — дея изоҳ берди.

Ҳозирча эркаклар ўртасидаги мусобақаларда ҳам ҳамюртларимиз яхши ўйин кўрсатишмоқда. Жумладан, «квалифайн»дан асосий босқичга чиққан Дмитрий Мазур куйатлик Абдуллаҳ Мағласга нисбатан биринчи сетда устун келди. Рақибининг ўйини учинчи сетга қўздирishi интилгани эсе келди. Ҳозирча омад ҳамюртими томонидан. Вазиет қандай кетишини вақт беллаблади.

Гонконглик Вин Вонг ўзбекистонлик Важе Узоқовга асосий ўйинларга чиқишга имконият бермаган бўлса, Мурод Иноятгонгонглик теннисчинини биринчи давраласқ доғда қолдирди.

Акмал Шариповга ўз кучини Андрей Болдарев билан куч синашишга тўғри келди. Ўйин ўйинда, Акмал ўз имкониятини қўлдан чиқарishi келмади ва 6/3, 6/3 ҳисобида ғалаба қозониб, кейинги даврага чиқди.

Бугун эҳтимол чорак финалнинг дастлабки номзодалари ҳам аниқланиши мумкин. Ҳамюртларимизга омад тилаган ҳолда чемпионат иштирокчиларининг барчасига чиройли ўйин кўрсатишларини тилаб қоламиз.

Ильмира
ЗАЙНУТДИНОВА

Кажгаза

Кунлардан бир куни машхур олим Альберт Эйнштейн ҳузурита мухбир келиб, шундай савол берибди.

— Сиз хаёлингизга келган ноёб фикрларни қандай ёзиб борасиз? Бунинг учун ён дафтарча тутасизми ёки картотекалардан фойдаланасизми?

Эйнштейн қўлида ён дафтарча билан ёнида шай турган мухбирга қараб, жавоб берибди:

— Азизим, ноёб фикрлар каллага ҳар доим ҳам келавермайди, уларни ёзиб ўтирмай, эслаб қолса ҳам бўлаверарди.

Немис шифокори Макс Герц нукул китоблардаги тиббий тавсиялар бўйича ўзини муолажа қиладиган бир бемор ҳузурига борди. Бунақа галати даволаш усули билан танишган шифокор беморга деди:

— Мен ажалингиз сабабини биланман. Сиз имло хатоларидан ўласиз.

Немис физиги Конрат Рентгенга хат келибди. Унда аллақандай нотаниш бир киши олимдан рентген нури ва бу нусларни қўллаш бўйича тушунтириш хати ёзиб юборишни илтимос қилибди, ўзининг келишига вақти йўқлигини айтибди.

Рентген унга жавоб хатини юборибди: «Афсуски, айна вақтда бундай нур йўқ. Бўлган тақдирда ҳам уни юбориш мумкин бўлмас эди. Бирдан бир чора шуки, сиз менга кўкрак қафасингизни юбора қолинг».

Дарсларга ёлчатиб бормайдиган, фанни ҳам яхши билмайдиган талаба иккинчи бор Рентген ҳузурита синонван ўтаётгани.

— Сизга ким маъруза ўқиганди? — деб сўради олим.

Талаба бир қанча исму шарифларни санади. Рентген мамнун аллозда бош силкиди.

— Мана кўряпсизми, бугун олдингидан кўра анча далилсиз. Ҳатто маърузаларини тинглашингиз керак бўлган профессорлар номини ҳам билиб олибсиз.

Болалик йилларимда отам бир воқеани айтиб берганди: Чорибой чапани деган би киши эшакда ўт олиб келаётди, йиқилиб тушади. Аниқроғи, яхши ён емаган эшакнинг олд оёғи юмронқозик инига тушади-ю мувозанатини сақлай олмай мункиб кетади. Чорибой чапани ўз оти билан чапани эмасми, эшагини ўласи қилиб калтаклайди: жазо сифатида на ем, на хашак, на сув беради.

— Бечора жонивор кўпга бормади, — деган эди отам. — Чорининг ўзи олдида болғолик ҳолда очликдан шишиб ўлди...

Ушандан бери қанча йиллар ўтди. Қанча сувлар оқиб кетди. Анча-мунча одамнинг кўнглига оғриқ соладиган бу воқеа негадир менинг шууримдан ўчмай қолди. Эҳтимол, айрим биродарларимиз, ўлса ўлибди-да бир эшак, ўзи бир ақисиз ҳайвон бўлса дейиши ҳам мумкин. Агар шундай дейиладиган бўлса, бунга бизнинг раддиамиз бор. Негаки, Пайғамбаримиз Мухаммад (С.А.В.) ўзининг кудсий ҳадисларида дунёдаги жамики жонзод Ҳақнинг мулки экани, унга завоёт етказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини эътироф этади.

Яқинда отам пойтахтга келди. У-бу нарсалардан сўралган, негадир Чори чапанидан гап очилиб қолди.

— Эй, сўрама болам, — деди отам. — Бечора итдай хор бўлиб ўлди. Уғиллари қарамади. Маҳалла-қўй кўнига яради. Қодирхон қорини биласан, ўша табарруқ зот чапанига: «Тил забони йўқ жониворни шу кўйга солган бўлсанг, сенга ҳам шу кўн раво бўлсин», деган экан.

Даврлар тўзони мисоли елдириш шамолдек илгарилардан боргани сайин уволлар кўпайиб бормоқда. Уғил арзимас нарсани баҳона қилиб отанинг юзига сапчийди: отанинг кадр-қиммати увол... Қиз тўйга сарпо баҳонасида ўзини тугиб катта қилган онасига курақда турмас гапларни айтади: онанинг кунни тунга улаб айтган аллалари, берган оқ сути, қадри олтин билан ҳам ўлчаб бўлмайдиган иззат-нафси ер парчин бўлади. Она увол бўлади. Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб улгурмаган тантиқ қиз, олифтанома кийиниб хусну малохатини зеру по қиладди. Ҳаммагини унга ҳайратланиб боқшини мартаба деб билади. Аслида ўша дақиқаларда гўзаллик аталиши имтиёздан пўтар кетади. Гўё кўлдан кўлга ўтиб юрадиган атиргулда на ифор, на буй қолмаганидек, нигоҳларга нишон бўлган гўзаллик чўғини кул босади. Гўзаллик увол бўлади.

Увол ҳақидаги мулоҳазаларимизни тадрижий давом эттирар эканмиз, бу оғриқли мавзу фақат биздагина эмас, балки дунё микёсида ҳам эътироф этилаётганини айтиш мумкин. Утган аср ўрталарида чумчуқларни дала экин-тикинига қони зарар ҳисоблаб кириб ташлаган йирик хорижий давлат (номини келтиришни жоиз билмадик) вақти келиб бошқа бир мамлакатдан чумчуқ сотиб олганини кўпчилики билади. Улар кўзларини каттароқ очиб

Аммо, сабабсиз оқибат бўлмаганидек, бунақа сериаллардаги тугуруқсиз оилавий жанжаллар, боши-кепи йўқ муҳаббат можаролари, бизнесини адоий тамом бўлган олғирнинг бемаъни кутуришларида иборат сахналар ёшларимиз маънавиятига жиддий пугур етказаятгани рост. Бу ҳақда ОАВда кетма-кет мақолалар чоп этилмоқда, турли чиқишлар қилинмоқда. Аммо, натижа эса очик қолмоқда. Фикримиз далилсиз қолмаслиги учун мулоҳазасага

амал қилиб, бизда ҳам бир-икки оғиз фикрлар йўқ эмас. Дейлик, хинд кинолари таъсири одамларда салбий муносабат уйғотмабди: майли. Бироқ бунинг ўзига хос сабаби бор-да. Хинд фильмларидаги инсоний муҳаббат голяри, зулм ва озодлик мавзулари бизнинг миллий ўзлигимизга терс жиҳатларни ёпиб кетади. Томошабин маънавий озика олади. Азизим, хафа бўлманг-у, Мексика сериалларида биз ҳарчанд кузатмайлик бундай умумдунёвий жиҳатларнинг ғувоҳи бўлмадик. Аксинча, бошдан-оёқ оилавий можаролар, на инсоний қиёфаси тайин, на бирор фазилати билан ибрат бўлгулик «қаҳрамон»нинг ишқий можаролари томошабини толиқтиради.

Натижада, эндигина ўсиб келаётган мурғак қалб эгаси ҳаёт олатасир жанжаллардан иборат экан, деган хулосага эга бўлмайми?! Ундаги энди куртак отиб келаётган одамийлик нишонлари УВОЛ бўлмайми?! Ёки эндигина муҳаббатнинг булоқ сувидек тоза шаробидан сипқориб, ишқнинг мўъжизали оламига қадам босаётган ёшлар, ана шу инсоний туйғуларни оний лаҳзалар деган хулоса чиқармаслигига ким қафолат бера олади?! Демакки, яна бир уволга тамал тоши қўйилади.

Мақола сарлавҳасини «Уволлар кўпайса не бўлур?» дея номладигу, саволга жавоб бериш фурсати етганилини хис этдик. Ҳўш, уволлар кўпаяверса нима бўлади?! Биринчидан, ҳеч бир нарса оқибатсиз қолмаслигини унутмайликки, у бизни ҳидоятга чорлайди. Иккинчидан, кўриб, билиб қилинаётган УВОЛЛАР оқир-оқибат йириқлашиб шундай балои азимга айланадиги, унда ҳеч қандай куч бизга ёрдам беролмайди! Учунчидан кўзни чиқмасдан олдин сақлайлик. Назаримда, замонамизнинг атоқли шоири Абдулла Ориповнинг мана бу сатрлари мисоли бунгадй жаранглайди, бизни оғоҳликка чорлайди.

Еттилар ҳаққидан кўрқмаса биров, Сўқмоққа айланиб кетсалар йўллар; Киблагохлар осий, туғишганлар ёв, Ҳазналарга чўзилса қўллар;

Бундай юртда энди киргин шарт эмас. Вабо ҳам қочади ундан йироққа: Ҳатто дарёлари курур басма-бас, Ҳатто тупроқлари тушар титроққа.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Мушоаза

УВОЛЛАР КЎПАЙСА НЕ БЎЛУР?

Увол... авваллари бу сўзни эшитганимизда этимиз жунжикмасди, кўнглимиз галати бўлиб дарди дунёмизга қоронғулик чўкмасди. Йиллар ўтгани сайин рўйи-замин уволлар аросатида тўлғона бошлади-ю, ҳамма қатори увол ҳақида ўйлаб бошладик. Айниқса, замон шиддати, турли бўҳронлар ижтимоий-маиший ҳаётимизга тахдид солаётган бир паллада бу мавзу атрофида жиддий гап айтишга эҳтиёж борга ўхшайди.

билишдики, чумчуқлар табиатнинг санитарлари экан. Ҳашорат, чигиртка, зарарли курт-қумурскалар айна ана шу қанотли дўстларимизнинг холисона ёрдами билан даф бўлар экан. Ўз-ўзидан аён бўладики, ун сақиз минг оламнинг силсилавий мувозанатидан бир шохи заха эса, увол қилинса унинг хунини тўлаш қийин ва мушкул кечади.

Модомики гапимиз индаллоси увол тушунчасининг кўзга гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмайдиган томонлари хусусида бораётган экан маънавий уволлар ҳақида ҳам тўхталиш эҳтиёжи бор. Бундан бир неча йиллар аввал «ойнаи жаҳон»да салгина беҳаё жойи бўлган бирон фильм намоиши этилса, «башараси қурсин», «юзи-ни тескари қилсин», «қарама, ҳозир ўпишади», дегувчилар топиларди. Топиларди деяётганимнинг сабаби бор. Негаки, ҳозир бундай дегувчиларнинг сони анқонинг уруги бўлиб кетаётганга ўхшайди. Негадир томошабинларнинг тақийи ва истаклари инобатга олинибми, Мексика кино-ижодкорлари томонидан яратилган қатор фильмлар кетма-кет намоиш қилинмоқда. Бу — яхши. Чунки биз шу сериаллар орқали уммон орти давлатларининг турмуш тарзи, маданияти билан яқиндан танишамиз. Дунё ҳақидаги тушунчаларимиз кенгайди. Аммо...

изан берсак. Дейлик, «Ёлғон асираси» сериали томошабинларга нима бера олиши мумкин?! Тўғри, унда бироз ҳаётга яқин, рад этиб бўлмайдиган реал чизгилар йўқ эмас. Муаллифлар имкон қадар шу ҳақиқатни унутмаганлар. Лекин сериалларда миллий менталитетимизга ёт, умумтуркий генофондимизга зид тамойиллар борлиги кўз ўнгимизда аён бўлиб турибди-ку?!

Яқинда «зангори экран» захматкашларидан бири бўлган ҳамкасб дўстимизга:

— Сериалларни намоиш қилиш ўзини оқлармикан? — дея савол қўйдим.

— Уларда салбий жиҳатлар ҳам йўқ эмас, — деди ҳамкасбим. — Лекин шунга ҳам унутмаслик керакки, биз дунёвий давлат куриш сари одимлаб бормоқдамиз. Шундай экан, юртдошларимизда тамаддулнинг дунё ҳақидаги тушунчалар кун сайин кенгайиб бормоғи лозим. Турли сериал ва фильмлар бу йўлда робита вазифасини ўтади. Ахир халқимиз қарийб бир асрдан бери хинд фильмларини томоша қиладди. Лекин ҳеч қайси қизимиз сари кийиб кўчага чиқма-ни, пешонасига қизил ҳол ёпиштириб юргани йўқ-ку?!

Очиғи ҳамкасбимнинг мантқиқа тўйинган гаплари, тағдор мулоҳазалари ушбу сатрлар муаллифини бироз довдириб қўйди. Лекин «йиқилган курашга тўймас» мақолига

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОЦЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки Москва Циркининг Хайрлашув Гастроллари Хинд филлари ўргатувчи Россияда хизмат кўрсатган артист Юрий ДУРОВ Иллюзион ўйинлар устаси Россия халқ артисти Кох КУНЕС

Томошалар: 11, 12 сентябрь кунлари 12.00, 18.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар 144-35-91; 144-29-04; 144-32-23.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Спорт

ДАСТАБКИ
ЎЙИНДА
ЖАНГОВАР
ДУРАНГ

Хитойда футбол бўйича Осиё чемпионатининг шиддатли беллашувлари ўтказилгани, унда терма жамоамиз чорак финалга чиққан ҳолда ишқибозлар кўнгилларини хушнуд этганига ҳали узоқ вақт ўтгани йўқ.

Куни кеча эса кунчиқар мамлакат ҳисобланмиш Японияда ўсмирлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати баҳслари бошланди. Ҳамюртларимиз чемпионатнинг дастлабки ўйинида ўзларнинг бангладешлик тенгдошлари билан куч синашдилар.

Иккидорли мураббий Ислом Аҳмедовнинг шогирдлари галаба қозонишга қанчалик интилишмасин, рақиблари ҳам кучли эканлиги сабабли ўйинда дуранг натижага кайд этилди.

Энди бевосита беллашувнинг ўзига тўхталадиган бўлсак, ҳужумкор руҳда бошланган баҳснинг 11-дақиқасида Анвар Бердиевнинг аниқ зарбасидан сўнг чарм тўп усталаримиз олдинга чиқиб олишди. Биринчи бўлим шу кичик ҳисоб билан тугади.

Иккинчи бўлимда рақибларимиз қарши ҳужумларни кучайтиришди. 50-дақиқада Зоҳид Хусайн киритган тўп билан ўйинга сўнгги нуқта қўйилди — 1:1.

Ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатининг дастлабки ўйинлари қуйидаги натижалар билан якуланди: Япония — КХДР—0:0, Хитой—Таиланд— 2:1, Хиндистон—Эрон—0:1, Жанубий Корея — Уммон — 3:0, Вьетнам—Лаос — 1:2, Малайзия—Қувайт—0:0, Қатар—Ироқ 1:0.

ҲАМШАҲАРЛА-
РИМИЗ ФОЛИБ
ЧИҚИШДИ

Тошкент вилоятидаги «Аранчи» аэродромида авиамоделларни учиратиш бўйича Ўзбекистон Кубогини мусобақалари бўлиб ўтди.

Олти турдаги эркин учувчи моделлар бўйича иккита ёш тоифасида жами юзга ёш авиамодел усталари галаба учун кураш олиб борди.

Тўпланган очколар сарҳисоб қилинганда шахримиз авиамоделчилари Ўзбекистон Кубогининг соҳиблари бўлишгани маълум бўлди. Кейинги ўринлар Фарғона ва Андижон вилояти вакилларига насиб этди.

(Ўз мухбиримиз).

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтўқроғ ширкат ҳўжалигида жойлашган 21-урта мактаб томонидан 2001 йилда Жўраев Дилшод Юлдашевни номига берилган O'R-Z №0878112 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбек кураши 1998 йил 6 сентябрда халқаро жамоатчилик томонидан юксак эътироф этилиб, Халқаро кураш ассоциацияси (ИКА) тузилган эди. Ўшанда дунёнинг илгирма саккиз давлати, жумладан, АКШ, Боливия, Буёқ Британия, Голландия, Россия, Ўзбекистон, Япония каби мамлакатлар бу ташкилотнинг муассислари бўлган.

ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ
ШУҲРАТИ

Шу муносабат билан «Олимпия шон-шуҳрати» музейида спорт мутасаддилари, халқаро кураш ассоциацияси раҳбарлари, хорижий ва маҳаллий журналистлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, Президентимизнинг 1999 йил 1 февралдаги «Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ўзбек миллий курашини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Ўша йили кураш бўйича I-жаҳон чемпионати ўтказилди. Ҳозир эса жаҳон, қитъа ва мамлакатлар чемпионатлари ҳамда биринчилликлари, қўшлаб халқаро мусобақалари мунтазам равишда ўтказиш аянана айланган.

Ўтган олти йил давомида ассоциациянинг юқори органи — ижроия қўмита тўла шаклланди. 15 кишидан иборат қўмита ўн давлат вакилларини бирлаштирди. Бу нуфузли ташкилотта курашнинг халқаро майдонда янада ривожлантириш ташаббускори — Юртбошимиз Ислом Каримов фахрий президент этиб сайлангани, айниқса, катта самара бермоқда.

Ўтган давр мобайнида ИКА қошида Халқаро кураш академияси, Жаҳон курашини ривожлантириш жамғармаси тузилди. ИКА га етмиш ўн миллий федерация аъзо бўлиб кирди. Европа, Осиё, Африка, Панамерика ва Океания қитъаларида кураш конфедерациялари очилди. Ҳозир хорижда ўзбек кураши билан

мунтазам шугулланаётган спортчилар сони олти юз минг нафардан ортди.

Кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларида ҳамюртларимиз Баҳром Авезов, Камол Муродов, Ақобир Курбонов каби полвонлардан ташқари, туркиялик Селим Татар ўғли, бразилиялик Александр Катсураги, Карлос Хонорато, поляшалик Павел Мелаванец, япониялик Хиросеи Кашимото совринли ўринларни эгаллаган.

Ўтган йиллар давомида кураш Олимпиада ўйинлари сафидан муносиб ўрин олишга ҳақли эканлигини исботлади. Эндиги мақсад — келгусида ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларида ўзбек курашининг ҳам расмий мусобақалар қаторидан муносиб ўрин олишига эришишидир.

Осиё олимпия кенгаши 2003 йилда ўзбек курашини Осиё ўйинлари дастурига киритгани, унинг 2006 йилда Ла-Пас (Боливия)да ўтадиган саккизинчи Жанубий Америка ўйинлари дастуридан ўрин олгани бу борада муҳим қадам бўлди.

Бир сўз билан айтганда, ўзбек кураши жаҳон миқёсида тобора оммалашмоқда.

Лазиз РАҲМАТОВ,
ЎЗА мухбири.

Франческо Лентини, Американинг Жексон шаҳридаги касалхоналарнинг бирида 1966 йил 22 сентябрда 77 ёшида оламдан ўтган. Бу италияликнинг шунча йил ҳаёт кечириши қахрамонлик билан тенг эди. Ҳўш, бунинг нимаси қахрамонлик, дейишингиз мумкин. Лентинининг ўзига хос хусусияти шунда эдики, унинг учинчи оёғи бўлган. Лентини тарих саҳифасидан энг узоқ яшаган уч оёқли киши сифатида ўрин олган.

Ажойиботлар

УЧ ОЁҚЛИ ОДАМ

У 1889 йили Италиянинг Сицилия оролида, Сиракузага яқин ерда ўзига тўқ оилада дунёга келди. 13 фарзанднинг бири бўлган Франческо танасининг ўнг томонида учинчи оёғи бор эди. Бошқа 5 ўғил ва 7 қизда ҳеч қандай физиологик ўзгаришлар бўлмаган. Франческога шифокорлар бу оёқдан жарроҳлик йўли билан қутулиш лозимлиги, йўқса бутунлай паралич бўлиб қолиш хавфи борлигини айтиб, уни оғохлантиришганди.

7 ёшида у ота-онаси билан оғир хасталанган ногирон болалар уйига бориб кемтик туғилган болаларни кўрганида, ўзининг ҳоли улардан анча яхшироқ эканини сезиб, ҳаётга бўлган муҳаббати ошади. «Ўшандан буён мен ҳаётимдан розиман, оҳ, ҳаёт нақадар гўзал», — деган экан Франческо яшашдан завқланиб.

Бир йилдан сўнг кўп болали оила Италиядан Америкага кўчади. Франческонинг отасига цирк хизматчилари томошабинларга ўғлининг учинчи оёғини намойиш этиш учун циркда ўйнашини таклиф этишади.

Ўқини битиришини баҳона қилган отаси уларга розилик бермайдди. Кўп ўтмай ака-ука Ринглинлар гуруҳида томоша кўрсата бошлаган Франческо ўша пайтдаёқ тўртта тилни ўрганиб улгурганди.

Узоқ муддатли актёрлик фаолиятида у Бернумо ва Бейли, «Уотер Мейн Секес» ҳамда бошқа кўча циркларда ишлади. Уч оёқли актёрнинг ўзига хос интермедияси бор эди. У томошабинлар олдида юрадиган, югурадиган, сакрайдиган, велосипед, машина юргизадиган, роликчи коньки, от билан саҳнани айланиб чиқадиган саҳналар бор эди. Бироқ, бечора учинчи оёғи билан юра ол-

масди. Чунки у икки оёғидан 5 сантиметр калта эди. Калта бўлса ҳам бу оёқ баъзан иш юзасидан бирор нарсага асқотиб қоларди. У билан тўп тепарди. Стул ўрнида фойдаланарди. «Ҳамиша ўтирадиган стулимни ўзим билан бирга олиб юрадиган оламдаги яккаю ягона одамман», — деб ҳазиллашарди Франческо.

Ҳаётга қувонч, умид билан қарайдиган бу қувноқ йигит баъзан ранжиб қоларди. Бошқа одамлардан 15 фоиз ортиқ овқат ейман. Бу 15 фоиз табиат инъом этган «совга» дерди у.

Лентини учинчи оёғи сувда сузганда халақит бермаслигини, бильакс бошқарувчи ролини бажаришини таъкидларди. У оёқ кийим харид қилганда, икки жуфт оларди, битта ортиқчасини эса ёлғиз оёқларга совға қиларди.

Франческо уйланиб, 4 фарзандли бўлган. Уларда ортиқча аъзолар йўқ. Умининг кўп вақтини Эзерфильде, Коннектикутда ўтказган, сўнгги йилларда эса қуёшли Калифорнияда яшаган.

Цирк труппаси билан бирга гастролда юрган кунларнинг бирида тўсатдан касал бўлиб, тўшакака ётиб қолади ва вафот этади.

Франческо Лентинининг учинчи оёғи врач-олимларнинг фикрича, танаси бир ёпишиб туғилган эгизакнинг қолдиғи экан. Уруғли хужайра иккига бўлинмасдан, ярим-ярим бўлингани сабабли пайдо бўлмай қолган эгизакдан бирининг бир оёғини табиат — Аллох Франческога инъом этган. Давримиз врачларининг айтишича, бу ҳаётда жуда кам учрайдиган ажойиботлардандир.

Кидирбой ТўЛАБОВ
тайёрлади.



Кўргазмалар

ДУНЁ — БОЛАЛАР
НИГОҲИДА

Юртимизнинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Буни биз Исроил Республикаси билан ўрнатилган иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий алоқалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

«Дийдор» фирмасида очилган «Дунё болалар нигоҳида» деб номланган Кўргазма Машав халқаро ҳамкорлик маркази томонидан ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, Исроилнинг Машав ўқув курсларида ҳозиргача 800 га яқин турли соҳа етакчилари ўқиб қайтишди. Мазкур курсларнинг асосий йўналишлари кишлоқ ҳўжалиги, тадбиркорлик, таълим, тиббиёт ҳамда жамиятда ташаббускорлик ва фаолиятни ўзида қамрагандир. Ўқув курсларини тугатиб қайтганлар «Шалом» деб номланган клуб ташкил этдилар. Ҳозирда клуб аъзолари шахримиздаги кўпгина тадбирларни ўтказишда бош-қош бўлишмоқда. Шунингдек, «Шалом» номи билан дунёнинг бир қанча мамлакатларида клублар ўз фаолиятини олиб бормоқда.

«Дунё болалар нигоҳида» кўргазмаси Ирина Муҳамедшина раҳбарлиги остидаги Сохнут расмий студияси аъзолари — ўзбек ва исроил ёшларининг ижодий ишлари намойиши сифатида ташкил этилди. Кўргазмада 2 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ўз ҳаётини ишларида тинчликни, мусоффо осмонимизни, Мустақил Ватанимиз ҳаётини ифода этувчи мавзуларга кўп бор тўхталишган.

Истеъдодли ижодкор болалардан ташкил топган гуруҳга Ольга Янкова раҳбарлик қилиб, унинг ўқувчилари кўпгина кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келишмоқда. «Дунё — болалар нигоҳида» кўргазмасида ҳам энг сеvimли шогирдларидан бири Алеватина Ким ўзининг дизайнерлик ишлари, илк ижодий машқларини намойиш этди.

Юлдуз УСМОН

СУРАТДА: «Дунё — болалар нигоҳида» кўргазмаси қатнашчилари.

Алексей Попов олган сурат.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Буюртма Г-1009.

Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2812 нускада босилади. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида теркидан ва сақланилади.

«Шаҳар» нашриёт-матбаа ширкатидаги компанияси босмоқдониси.
Қорхона манзили: «Буёқ Тўро» кўчаси, 41-уй.